

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

***САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ***

**«БАНК – МОЛИЯ ХИЗМАТЛАРИ» ФАКУЛТЕТИ**

**«БАНК ВА ЖАМҒАРМА ИШИ» КАФЕДРАСИ**

**«Ҳимояга тавсия этилган»  
Кафедраси мудири, доц.  
\_\_\_\_\_ Ниёзов З.Д.**

**(имзо)**

**«Банк иши» таълим йўналиши**

**БИ-106 гуруҳ талабаси Исмоилов Ферузнинг**

**ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАР ВА УНИНГ ТЎЛОВ ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ  
(ОАТБ «АГРОБАНК» ЖОМБОЙ ФИЛИАЛИ МИСОЛИДА)  
мавзусида бажарган**

***БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ  
ИШИ***

**Илмий раҳбар:  
Ўқитувчи Бобоев Ш.Қ**

**САМАРҚАНД – 2010**

## КИРИШ.

1 – БОБ. ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОН БАНК ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА МУСТАҲКАМЛАШ БОРАСИДАГИ ИШЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.

1.1. 2009 йилда Ўзбекистонда молия – банк тизимини мустаҳкамлаш борасида эришилган натижалар.

1.2. Агробанк пластик карталари билан операцияларни амалга оширилиши тартиби .

2 – БОБ. ОАТБ «АГРОБАНК» ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА БАНК КАРТАЛАРИ БИЛАН ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ОПЕРАЦИЯЛАР ҲОЛАТИ.

2.1. Банк фаолиятини ривожлантиришнинг асосий мақсади, стратегияси ва йўналишлари.

2.2. Банк карталари шакллари ва улар билан операцияларни амалга ошириш тартиби.

2.3. 2009 йилда банк депозит фаолиятининг ва банк карталари билан операцияларнинг асосий кўрсаткичлари таҳлили.

3 – БОБ. ОАТБ «АГРОБАНК» ДА БАНК КАРТАЛАРИ БИЛАН ОПЕРАЦИЯЛАР КЎЛАМИНИ КЕНГАЙТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.

3.1. Банк карталари билан операцияларни келгуси ривожлантириш тенденциялари ва истиқболлари.

IV БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МЕҲНАТ ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАШ ВА БУ ЙЎНАЛИШДАГИ ИШЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.

4.1. Тижорат банкларида меҳнат хавфсизлиги таъминлаш ва бу йўналишдаги ишларни такомиллаштириш масалалари

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.

ИЛОВАЛАР.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

## КИРИШ.

**Мавзунинг долбзарлиги.** Президентимиз И.Каримов «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарларида бугунги кунда молиявий инқироз ҳолати ва унинг таъсирида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларга доир фикрларини билдириб, қуйидаги хулосаларни таъкидлаб ўтдилар: «...**Иккинчидан, авж олиб бораётган глобал молиявий инқироз жаҳон молия-банк тизимида жиддий нуқсонлар мавжудлиги ва ушбу тизимни тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини кўрсатди. Айти вақтда бу инқироз асосан ўз корпоратив манфаатларини кўзлаб иш юритиб келган, кредит ва қимматбаҳо қоғозлар бозорларида турли спекулятив амалиётларга берилиб кетган банклар фаолияти устидан етарли даражада назорат йўқлигини ҳам тасдиқлади.**

**Учинчидан, молиявий-иқтисодий инқирознинг ҳар қайси давлатдаги миқёси, кўлами ва оқибатлари қандай бўлиши кўп жиҳатдан бир қанча омиллардан келиб чиқади. Яъни, бу аввало, ана шу давлатнинг молия-валюта тизими нечоғлиқ мустаҳкам эканига, миллий кредит институтларининг қай даражада капиталлашуви ва ликвидлиги (тўлов имконига), уларнинг чет эл ва корпоратив банк тузилмаларига қанчалик қарам эканига, шунингдек, олтин-валюта захирасининг ҳажми, хорижий кредитларни қайтариш қобилияти ва пировард натижада – мамлакат иқтисодиётининг барқарорлик, диверсификация ва рақобатга бардошлик даражасига боғлиқ...».**

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг барқарор ривожланиб бориши ҳамда унинг олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажарилиб борилишини таъминлади. Президентимиз И.Каримов таъкидлаб ўтганларидек: «**Мамлакатимизнинг узоқ ва давомли манфаатлари тақозо этган ҳолатларда ва кескин вазиятлардан чиқиш, улар туғдирадиган муаммоларни ҳал этиш зарур бўлганда иқтисодиётда давлат томони-дан бошқарув усуллари қўлланди ва бундай ёндашув охир-оқибатда ўзини тўла оқлади... Тижорат банкларимизнинг ташқи мажбуриятлар бўйича тўловларининг ҳолати ва ҳажми масаласи бўйича сўз юритганда ҳеч қандай хавотирга ўрин йўқ. Бу ҳам республикамиз банк тизими жаҳон молиявий инқирозининг салбий таъсир ва оқибатларидан ишончли тарзда ҳимояланганлигини кўрсатади».**

Республика Президенти И. Каримов қайд этганларидек: «**Айнан банклар, таъбир жоиз бўлса, бутун иқтисодиётимизни озиқлантириб турадиган қон томирлари ҳисобланади, мамлакатимизнинг молиявий-иқтисодий барқарорлиги кўп жихатдан уларнинг самарали фаолиятига боғлиқ**».

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида нақд пул муомаласи янада мустаҳкамланиб, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартиришга замин яратди. Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларнинг банклардаги депозит ҳисобварақларидан нақд пулларнинг узлуксиз бериб борилиши тўлиқ таъминланиб борилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз ҳукумати томонидан банк тизимида пластик карточкалар миқдорини ошириш ва аҳолини пластик карточкалар билан ҳисоб-китобларини амалга оширишни рағбатлантириш борасида бир қанча имтиёзлар берилмоқда. Шулардан бири бу пластик карточкаларга хизмат кўрсатадиган процессинг марказлари ва банкоматларни келтириш ҳамда уларни ўрнатиш борасида божхона тўловларидан 2020 йилга қадар озод қилиш чора-тадбирлари белгилангандир.

Ўзбекистон банк тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш борасидаги ишларни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш юзасидан Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва қатор бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берувчи банк тизимини шакллантириш, банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш, банкларнинг инвестицион ва омонатларни жалб қилиш бўйича фаолиятини янада фаоллаштириш, уларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш ва пировард натижада рақобатбардошлигининг юқори даражасига эришиш Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш дастурининг стратегик мақсади ҳисобланади. Демак, замонавий банк тизимининг ишлаш механизмининг ўрганиш, таҳлил қилиш ва унинг келгуси ривожлантириш истиқболларини очиб бериш давлатнинг стратегик мақсадини амалга оширишнинг муҳим манбасидир.

Юқорида қайд этилганларга мувофиқ тижорат банкларининг депозит, жумладан банк карталари юзасидан фаолиятини илмий – назарий жихатдан таҳлил қилиш бугунги кунда энг долзарб иқтисодий муаммолардан бири ҳисобланади.

**Мавзу юзасидан олиб борилган илмий изланишларга қисқача тасниф.** Банклар фаолиятининг назарий – услубий асослари, амал қилиш қонуниятлари ва хусусиятлари кўпгина хорижий ва мамлакатимиз олимлари томонидан ўрганилган. Хорижий иқтисодчиларнинг ушбу йўналишдаги

тадқиқотлари жумласига Э.Наумен, П.Роуз, Ж.Синки, К.Фалби, Г.Минцберги, М.Портер, Ф.Фордларнинг илмий ишларини киритишимиз мумкин. Шунингдек, рус иқтисодчилари Л.Красавина, А.Жуков, Е.Жуков, О.Лаврушин, Я. Миркин ва бошқалар томонидан банк фаолият соҳасидаги муаммолар ва уларни бартараф қилиш масалалари кўриб чиқилган. Ўзбекистонлик иқтисодчи – олимлар ва мутахассислар Ф.Муллажонов, Ш.Абдуллаева, Ё.Абдуллаев, М.Ангелиди, Т.Маликов, Т.Қоралиев, О.Иминов, Т.Тен, А.Қодиров ва бошқаларнинг илмий изланишларида банк фаолияти ва депозит сиёсати асослари ҳамда амалиёти кенг ёритилган.

**Битирув – малакавий ишнинг кафедра илмий тадқиқот ишлар режалари билан боғлиқлиги.** Битирув – малакавий иш мавзуси ҳамда олиб борилган тадқиқот «Банк ва жамғарма ишлари» кафедрасининг илмий – тадқиқот ишлари режаси билан мос келади.

**Битирув – малакавий ишнинг мақсади.** ОАТБ «Агробанк» томонидан таклиф қилинаётган банк карталари бўйича хизматлари ва банк депозит сиёсатини таҳлил қилиш, 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида банк томонидан амалга оширилган ишларни ўрганиш асосида депозит хизматлари кўламини кенгайтириш имкониятларини аниқлаш.

**Битирув – малакавий ишнинг вазифалари.** Белгиланган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди ва ҳал қилинди:

- тижорат банклари депозит сиёсатининг назарий ва методологик асосларини тадқиқ қилиш;
- тижорат банклари депозит сиёсатининг асосий элементларини таҳлил қилиш;
- банк карталари билан операцияларни олиб борилиши ҳолати ва унга таъсир этувчи омилларни ўрганиш;
- банк депозит хизматларини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** ОАТБ «Агробанк» томонидан банк карталари бўйича миқозларга таклиф қилинаётган хизматлари ва банкнинг депозит сиёсати ҳисобланади.

**Тадқиқот предмети** бўлиб, тижорат банклари депозит хизматларини ривожлантиришга оид бўлган илмий масалалар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг илмий ва назарий асоси бўлиб,** Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг асарларида, банк соҳасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш борасидаги ишларни янада

чуқурлаштириш ва кенгайтириш юзасидан, илгари сурилган назарий қарашлар, банк фаолиятига оид Президент фармонлари ва қарорлари, қонун ҳужжатлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда республика Марказий банкининг меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлари, хорижий ва ўзбекистонлик иқтисодчи олимларнинг банк ишига оид илмий – услубий ёндашувлари, амалий тажриба ва хулосалари ҳисобланади. шунингдек, ишда воқеа ва ҳодисаларни илмий билишнинг диалектик усулларида, хусусан иқтисодий таҳлилнинг таққослаш, гуруҳлаш, қиёсий таҳлил, таркибий ва миқдорий таҳлил усулларида фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

- тижорат банклари депозит сиёсатининг назарий ва методологик асосларининг ўзига хос хусусиятлари аниқланди;
- тижорат банкларининг депозит хизматларининг таркиби, турлари ва ҳажмига таъсир этувчи омилларнинг хусусиятлари аниқланди;
- тижорат банкларининг депозит хизматларининг келгуси ривожланиш тенденциялари аниқланди;
- банк карталари бўйича хизматларини такомиллаштириш юзасидан амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Битирув – малакавий ишнинг амалий аҳамияти** шундаки, ундаги таклиф ва тавсиялардан банклар ва уларнинг филиалларида банк карталари бўйича хизматлар кўламини кенгайтириш тадбирларини ишлаб чиқишда фойдаланишлари мумкин.

Ишдаги илмий – назарий ғоялар ва амалий таҳлил материалларидан банк ишига оид махсус курсларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

**Ишнинг таркиби ва ҳажми.** Битирув – малакавий иш кириш, тўрт боб, хулоса, иловалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

**1 – боб. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида  
Ўзбекистон банк тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш  
борасидаги ишларни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш йўллари.**

**1.1. 2009 йилда Ўзбекистонда молия – банк тизимини мустаҳкамлаш  
борасида эришилган натижалар.**

Мамлакатимизда мустақил тараққиёт йўлига ўтилган даврдан бошлаб Президентимиз томонидан ҳар бир йил якунига кўра эришилган ютуқ ва натижаларни сарҳисоб қилиб, келгуси йилда бажарилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб олиш анъанавий тарзда амалга оширилиб келмоқда. Бу тадбирнинг ўзига хос ижобий жиҳатлари сифатида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

- биринчидан, мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг самарадорлиги, амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш чора-тадбирлари ҳамда дастурларининг изчил ва пухта асосланганлигини баҳолаш;

- иккинчидан, халқимизнинг йил давомидаги фидокорона меҳнати натижаларини эътироф этиш;

- учинчидан, келгуси йилда устувор эътибор қаратиш лозим бўлган вазифа ва йўналишларни белгилаш, етарли даражада фойдаланилмаётган имкониятларни аниқлаш;

- тўртинчидан, иқтисодиётимизнинг турли соҳа ва тармоқлари, мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги иқтисодий салоҳиятни ўзаро мувофиқлаштирилган ҳолда янада тўлароқ сафарбар этиш ва бошқалар.

Шу йилнинг 29 январида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузада Президентимиз мамлакатимизни ривожлантириш, янгилаш, модернизация қилишнинг тўғри танланган стратегияси, қабул қилинган 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини бажариш борасида ўтган йилда куч ва имкониятларнинг сафарбар қилиниши туфайли глобал инқирознинг оқибатлари ва таҳдидларига нафақат бардош беришга, балки иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг барқарор суръатларини, халқ бардамлиги ва фаровонлигини оширишни таъминлашга муваффақ бўлинганлигини таъкидлаб ўтди.

Маърузада аввало 2009-2012 йилларга мўлжалланган инқирозга қарши чоралар дастури самарадорлигини холисона баҳолаш муҳим принципиал

аҳамият касб этиши таъкидланиб, бу 2010 йилда ва ундан кейинги йилларда ушбу дастурни амалга ошириш жараёнида, зарурат туғилишига қараб, унга тегишли ўзгартиришлар киритишда ана шу таҳлил хулосаларига таянишимиз мумкинлиги орқали намоён бўлиши изоҳланди.

Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида амалга оширган тадбирларимиз қаторида молия-банк тизимини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада таъсирчан тадбирлар амалга оширилди. Жумладан:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги 1166-сонли Қарорига асосан пул массасининг мақсадли параметрларидан келиб чиққан ҳолда ва тижорат банклари томонидан узоқ муддатли депозитлар жалб қилишни рағбатлантириш мақсадида 2009 йилнинг 1 сентябридан бошлаб табақалаштирилган мажбурий захиралар нормаси жорий этилди;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги 4057-сонли Фармонида мувофиқ, фуқароларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақларидаги омонатлари уларнинг миқдоридан қатъий назар тўлиқ қайтарилишининг давлат томонидан кафолатланганлиги аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамланишига хизмат қилди ва бу жисмоний шахсларнинг банклардаги омонатлари ҳажмининг ошишига ижобий таъсир кўрсатди;


- Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 февралдаги 1-сонли мажлис баёни талабларидан келиб чиққан ҳолда, аҳолининг бўш пул маблағларини банклардаги омонатларга жалб қилинишида ҳамда омонатдаги маблағларни уларнинг биринчи талабига кўра берилишида қонун бузилишига йўл қўймаслик, омонатчиларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш борасида тизимли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ва банкларнинг мазкур фаолиятлари устидан назоратнинг янада кучайтирилганлиги ҳам аҳоли бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб қилишни янада жадаллаштирди;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 апрелдаги 1090-сонли «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур қарор билан тасдиқланган «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш кўшимча чора-тадбирлари комплекси» доирасида банк тизимида бу борада олиб борилаётган ишлар янада фаоллашди;

- Республика банк Кенгашининг 2009 йил 15 апрелдаги 2-сонли қарорига мувофиқ, фоиз ставкаларини юридик шахсларнинг банклардаги 6 ойдан ортиқ муддатга жойлаштирилган депозитлари учун молиялаш ставкасининг 75 фоизидан кам бўлмаган миқдорда, аҳолининг 1 йилдан ортиқ муддатга жойлаштирилган депозитлари учун Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 150 фоизидан кам бўлмаган миқдорда ҳамда жисмоний шахсларнинг пластик карточкалардаги маблағлари учун Марказий банк қайта молиялаш ставкасидан кам бўлмаган миқдорда белгилаш юзасидан тавсиялар берилди.

Бундай таъсирчан чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида сўнгги икки йилда тижорат банкларининг умумий капитали 2 баробар кўпайди. 2009 йилнинг ўзида етакчи банкларнинг низом жамғармаларини ошириш учун қўшимча равишда 500 миллиард сўмдан ортиқ давлат маблағлари ажратилди.

Бугунги кунда мамлакатимиз 30 та банк фаолият кўрсатиб, шундан 3 таси давлат банклари, 13 таси акциядорлик тижорат банклари, 9 таси хусусий банклар, 5 таси хорижий капитал иштирокидаги банклар ҳисобланади.



Кейинги йилларда тижорат банклари фаолиятининг кенгайиб бориши ўз навбатида улар томонидан берилаётган кредитлар, банклардаги депозитлар ва умумий капитал ҳажмига ҳам сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, 2005-2009 йиллар мобайнида тижорат банклари кредитлари ҳажми 2,2 марта, депозитлари ҳажми 5,2 марта, умумий капитали 3,2 марта ошган.

Банкларимиз капиталининг етарлилик даражаси 23 фоиздан ошади. Бу эса банклар мониторинги билан шуғулланадиган халқаро Базель қўмитаси томонидан белгиланган халқаро стандартлардан қарийб 3 баробар кўпдир.

Умумий активлари мамлакатимиз банк тизимининг 90 фоиздан ортигини ташкил қиладиган 14 та тижорат банки «Фитч Рейтингс», «Мудис» ва «Стандарт энд Пурс» каби етакчи халқаро рейтинг компанияларининг «барқарор» деган юқори рейтинг баҳосини олишга муваффақ бўлди.

Ҳозирги кунда банкларнинг умумий активлари аҳоли ва юридик шахслар ҳисобрақамларидаги маблағлар миқдоридан 2 баробардан ҳам ортиқ бўлиб, бу уларнинг тўлиқ ҳимоясини ва тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилишини кафолатлайди.

Банк тизимининг умумий жорий ликвидлиги банкларнинг ташқи тўловлар бўйича жорий мажбуриятларидан 10 баробар кўпдир. Бошқача айтганда, республикаимиз банк тизимининг мустаҳкам ҳимояси яратилган.

Банк тизимининг мустаҳкамланиши ва унга нисбатан аҳоли ишончининг ортиши натижасида омонатлар ҳажми сезиларли равишда ортиб бормоқда.

Фақат ўтган йилнинг ўзида аҳоли омонатлари миқдори 1,7 баробар ошди.



Расмдан кўринадики, 2003-2010 йиллар мобайнида аҳоли даромадлари ҳажми 16 баробардан кўпроқ ошган.

Кейинги йилларда банкларнинг кредит портфели таркиби тубдан ўзгариб бормоқда. Агар 2000 йилда кредит портфелининг қарийб 54 фоизи ташқи қарзлар эвазига шаклланган бўлса, 2009 йилда банкларимиз жами кредит портфелининг 84 фоизи ички манбалар ҳисобидан шакллантирилган.

Бугунги шароитда эса бундай ижобий ўзгариш иқтисодиётимизнинг истиқболдаги тараққиёти учун ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Айтиш керакки, ташқи қарзлар аксарият ҳолларда узоқ муддатга, фақат иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, кичик бизнес

ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаш учун жалб қилинмоқда.

Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида эътиборли жиҳатлардан бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 10 ноябрдаги 4051-сонли «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ:

- тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун 18 ойгача муддатға бериладиган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридаги имтиёзли микрокредитлар бўйича максимал ставкани йиллик 5 фоиздан 3 фоизға;

- кичик бизнес субъектлари фаолиятини кенгайтириш ва айланма маблағларини тўлдириш учун 24 ойгача муддатға бериладиган энг кам иш ҳақининг 500 баробари миқдоридаги микрокредитлар бўйича – Марказий банк томонидан қайта молиялаштириш ставкасининг 100 фоиздан 50 фоизға;

- кичик бизнес субъектлари учун 3 йилгача муддатға бериладиган энг кам иш ҳақининг 2000 баробари миқдоридаги имтиёзли микролизинг хизматлари бўйича максимал ставкани йиллик 7 фоиздан 5 фоизға туширилди.

Кредитлашда бундай аҳамиятли имтиёзларнинг белгиланиши мазкур соҳа вакиллари томонидан кредитға бўлган талабнинг ва айна пайтда уларға берилётган кредит ҳажмининг йилдан-йилға ошиб боришиға олиб келмоқда. Жумладан, 2005-2009 йиллар давомида тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига берилган жами кредитлар миқдори 4,4 баробар, микрокредитлар миқдори эса 7,1 баробар ошган.

Шу ўринда тижорат банклари кредитлари тўғрисида сўз борганда уларнинг мақсад йўналишлари жиҳатидан таркиби ҳам такомиллашиб бораётганлигини таъкидлаш лозим.

Банкларнинг инвестиция мақсадларига йўналтирилган кредитларининг умумий кредит портфелидаги улуши қарийб 70 фоизни ташкил этди, иқтисодиётимизнинг реал секторига йўналтирилган кредитларининг умумий ҳажми эса 2009 йилда 2000 йилға нисбатан 14 баробар ошди.

Сўнгги ўн йилда иқтисодиётнинг реал секторларини кредитлашға йўналтирилган ички манбалар 25 баробардан зиёдроқ кўпайди. 2009 йилда жами банк кредитлари таркибида узоқ муддатли кредитларнинг улуши 78,3 фоизни ташкил этган.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан кўринадикки, мамлакатимиздаги банк-молия соҳасининг тобора мустаҳкамланиб бориши амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар молиявий таъминотининг кучайишига, иқтисодиёт реал секторининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланишига ҳамда барқарор иқтисодий ўсиш суръатларининг таъминланишига замин яратмоқда.

## **1.2. Агробанк пластик карталари билан операцияларни амалга оширилиши тартиби.**

Агро Банкнинг сўмдаги пластик карт эгаси ўзига тегишли пластик карт ёрдамида терминал ўрнатилган савдо ва хизмат кўрсатиш шаҳобчаларида товарлар ва хизматлар юзасидан тўловларни амалга ошириш, терминал ва банкомат билан жиҳозланган Агро Банк филиалларида ҳамда бир бирларини пластик картларига хизмат кўрсатиш борасида шартнома тузган бошқа банк филиалларида миллий пул бирлигини нақд олиши мумкин.

Жисмоний шахслардан банк филиаллари томонидан сўмдаги пластик карт ҳисобварақларига пул маблағлари нақд пул ва нақдсиз пул шаклида, миллий пул бирлигида қабул қилинади. Сўмдаги пластик карт эгаси ўз ҳисоб варағидаги қолдиқ, маблағ ёки очилган овердрафт лимити доирасида савдо ва хизмат кўрсатиш шаҳобчаларида харид қилинган маҳсулот ва кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириши мумкин.

Сўмдаги пластик карт эгаси ҳисобварақдаги маблағлар сарф этилишига қараб карт амал қилишининг бутун муддати мобайнида сўмдаги пластик картдан фойдаланишни давом эттириш имкониятига эга бўлиш учун ўз ҳисоб варағини пул билан тўлдириб бориши мумкин.

**Сўмдаги пластик картлар сотиб олиниб, банкга олиб келинганидан сўнг банк омборига топширилади ва банк балансида кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисоб варағида «сақлаш: кассадаги ички моддалар» (Асосий китобнинг 93609-сақланаётган қимматбаҳо буюмлар) ҳар бир карточкага 1 сўм шартли баҳосида ҳисобга олинади («Контрҳисобварақ: сақлашдаги қимматли қоғозлар»-Асосий китобнинг 96379 - Сақланаётган қимматли қоғозлар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар бўйича контр- ҳисобрақами).**

Кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлари бўйича пластик картларни ҳисобга олиш қуйидаги схема асосида амалга оширилади: сўмдаги пластик картларни кирими, чиқими ва ҳужжатлар, бойликлар колдиғи.

Пластик карт бўлимнинг махсус ходими ушбу картларни Умумреспублика процессинг марказига олиб бориб, ўзининг жавобгарлиги остида пластик картларнинг дастлабки эмиссиясини амалга оширади.

**Дастлабки эмиссияси амалга оширилган сўм ҳисобидаги пластик картлар банк омборига келиб тушади ва банк балансида кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисоб варағида «Сақлаш: кассадаги ички моддалар» (Асосий китобнинг 93609- сақланаётган қимматбаҳо буюмлар) ҳар бир карточкага шартли 1 сўм баҳода ҳисобга олинади («Контрҳисобварақ: Асосий китобнинг 96379- сақланаётган қимматли қоғозлар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар бўйича контр- ҳисобрақами).**

Дастлабки эмиссияси амалга оширилган Агро Банкнинг сўмдаги пластик картлари банк омборидан “Пластик картлар бўйича нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг автоматлаштирилган тизимининг иккиламчи эмиссия марказлари” жойлашган банк филиалларига улардан келиб тушган буюртманомалар асосида берилади.

Сўмдаги пластик картларни банк муассасасига бериш чоғида албатта кирим-чиқим мемориал ордери ёзилади, у масъул ижрочи ва Бош бухгалтер томонидан имзоланади.

Банкда сўмдаги пластик картлар пластик карт бўлими томонидан шахслар бўйича расмийлаштирилади.

Пластик карт бўлимнинг сақлашдаги бойликлар ва пластик картлар эмиссиясини ҳисобга олиш китоблари, шунингдек пластик карт бўлими ходимининг ҳисобдорлиги остида олинган сўмдаги пластик картлар, пластик карт бўлимида ёнмайдиган сейфда сақланиши лозим.

Пластик карт бўлимнинг сақлашдаги бойликлар ва пластик картлар эмиссиясини ҳисобга олиш китобларидаги ёзувлар вақти-вақти билан (бир ойда камида бир марта) пластик карт бўлим бошлиғи томонидан текшириб чиқилиши шарт.

Кассир, хавфсизлик, банкомат, операционист ва бошқа шу каби хизмат карточкаларининг ҳисобини юритиш, бериш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тартиби банк Бошқаруви томонидан 2005 йилнинг 15 январиди 1/7 рақам билан тасдиқланган «Агро Банк пластик картлари бўйича нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг автоматлаштирилган тизими технологик карточкаларини ҳисобга олиш, бериш, сақлаш ва улардан фойдаланиш Тартиби»да кўрсатиб ўтилган.

Агро Банкнинг барча филиалларида пластик картлар қўлланилиши муносабати билан сўмдаги пластик карт ҳисобварағи очилади.

Пластик карт ходимни ишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги буйруқ асосида, тегишли ҳужжатларга асосланган ҳолда берилади.

Агро Банк ходимлари олиши лозим бўлган барча иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар белгиланган тартибда пластик карт ҳисобварағига ўтказилади. Шу билан биргаликда Агро Банк ходимлари ушбу пластик карт ҳисоб рақамларини нақд ва нақд пулсиз шаклда тўлдириб боришлари мумкин.

Банк мазкур пластик карт ҳисоб рақамлари қолдиғига 1-иловада келтирилган тарифларга асосан фоиз тўлайди.

Пластик карт ходимнинг ишдан бўшаши ҳақидаги буйруқ асосида қайтариб олинади ёки ходимнинг аризасига биноан ўрнатилган тартибда картнинг бошқа турига айлантирилади.

Сўмдаги махсус карт ҳисобварағини очиш юзасидан операциялар пластик картлар бўйича нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг автоматлаштирилган тизимида амалга оширилади, унинг негиз технологияси этиб “DUET” дастури олинган.

Пластик карт ҳисоб рақамини резидент ва норезидент шахслар миллий валютада очиши мумкин. Бунинг учун миждоз ариза билан филиал бошқарувчисига мувожаат этади.

Ушбу ариза асосида “АТ Агро Банкнинг пластик картларини фойдаланишга бериш ва уларга хизмат кўрсатиш” тўғрисидаги шартнома миждоз ва банк ўртасида тузилади (2 - илова). Ушбу шартнома банк ва миждоз ўртасида пластик картлар бўйича хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ўзаро муносабатларни тартибга солади.

Миждоз билан тузилган шартнома асосида банкнинг пластик картлар бўйича нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг автоматлаштирилган тизими назоратчиси (операционист) миждозга сўмдаги махсус карт ҳисобварағи очилиши учун миждоз томонидан тўлдирилган ҳужжатларнинг тўлиқлиги, тўғрилиги ва ишончлилигини текширади. Шундан сўнг, қуйидаги шаклда миждознинг қайдлов маълумотларини пластик картлар бўйича нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг автоматлаштирилган тизимида (Операционистнинг АИЖга ) киритилишини амалга оширади:

- а) пластик картлар бўйича нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг автоматлаштирилган тизими бўйича миждознинг тури (жисмоний, юридик);
- б) миждознинг фамилияси, исми, отасининг исми;
- в) паспорт маълумотлари (серияси, берилган жойи ва вақти);
- г) туғилган санаси;
- д) яшаш манзили;

- е) телефон;
- ж) 1-идентификатор;
- з) 2-идентификатор.

Пластик картлар бўйича нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг автоматлаштирилган тизимига мижознинг рўйхатга олиш маълумотлари киритилгани ва киритилган маълумотларнинг тўғрилиги текшириб чиқилганидан сўнг пластик картлар бўйича нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг автоматлаштирилган тизими назоратчиси пластик картлар бўйича нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг автоматлаштирилган тизимида асосий китобнинг 22618 «Жисмоний шахсларнинг пластик картлар бўйича мажбуриятлари» коди остида мижозга сўмдаги махсус карт ҳисобварағини очади.

Бундан сўнг пластик картлар бўйича нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг автоматлаштирилган тизими назоратчиси мижозга пластик карт очади ва уни махсус журналда белгиланган тартибда расмийлаштириб мижозга беради.

Мижозларга кўрсатилган тарифлар асосида хизмат кўрсатилади (Ушбу тарифлар мижозларга берилиши мумкин).

Пластик карт очишда мижозлар 1 иловада белгиланган сумма миқдорида гаров суммасини қўядилар. Ушбу суммага иккинчи ҳисоб рақами очилиб, у кафолат сифатида ҳаракатсиз ушлаб турилади (Ушбу суммага фоиз ҳисобланмайди).

Мижознинг пластик карт ҳисоб рақамига бошқа банк филиалидан (Агро Банк тизимидан ташқари) маблағ ўтказилганда белгиланган миқдорда хизмат ҳақи ундирилади, сўнг қолган сумма мижоз пластик карт ҳисоб рақамига ўтказиб берилади.

Мижознинг айби билан пластик карт йўқотилса ёки яроқсиз ҳолатга келтирилса ундан иловада белгиланган миқдорда сумма ундирилади.

Пул киримининг максимал миқдorigа ҳеч қандай чеклашлар белгиланмайди. Қўшимча пул қуйилмалари мижозлар томонидан ҳар қандай миқдорда қўйилиши мумкин.

Сўмдаги махсус пластик карт ҳисобварақларига келиб тушаётган пул маблағлари банк Бошқаруви томонидан 2003 йилнинг 6 августида 28/3 рақам билан тасдиқланган “АТ Агро Банк тизимида жисмоний шахсларнинг депозит ҳисоб варақалари бўйича операцияларни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом талабларига мувофиқ кирим қилинади.

Агро Банк пластик карти эгаси банкнинг филиаллари кассаларидан нақд пул маблағларини олишлари мумкин. Ушбу касса назоратчиси шахсий компьютер ва терминал билан ёки фақат терминални ўзи билан жиҳозланган бўлиши керак.

Пластик карточка орқали нақд пул бериш операцияси (кассир) назоратчининг 10107- «Банкоматлардаги нақд пуллар» ҳисобварағи орқали амалга оширилади.

Банк филиалларидан нақд пул олиш учун эгалик қилувчи (держатель) ўзининг пластик картини кўрсатиши лозим.

Эгалик қилувчи (держатель) пластик карточкасидан, эгалик қилувчи (держатель) томонидан айтилган маблағни олинишини назоратчи эгалик қилувчи (держатель) тасдиғи билан амалга оширади.

Касса терминалидан нақд пул маблағи олиш операцияси амалга оширилганидан сўнг чек 2 нусхада чоп этилиб, сақловчига 1 нусхаси берилади, 2 нусхаси кассирда кунлик имзоланиб тикилиб борилади. Агар чек охиригача чоп этилмаса ёки эгалик қилувчи (держатель) ушбу операцияни тасдиқламаса, операция амалга оширилган деб ҳисобланмайди.

Чек реквизитлари:

- а) пластик карт тартиб рақами;
- б) олинаётган сумма;
- в) нақд маблағ олиш вақти ва куни;
- г) мижоз пластик картини амал қилиш муддати.

Нақд пул маблағларини бериш бўйича операцияларнинг амалга оширилишига қараб терминал пластик картада электрон кўринишда сўмдаги пластик карт эгаларига нақд пул маблағларини бериш юзасидаги ўтказилган барча операциялар тўғрисида ахборот тўпланadi. Пластик карт тўлик тўлганда ёки кун охирида операционист томонидан терминал пластик карти DUET тизимида инкассация қилинади.

Банк филиалларида банкомат ва касса терминали учун 10107- «Банкоматлардаги нақд пуллар» ҳисобварағи очилиши лозим.

Эгалик қилувчи (держатель) пластик карт билан кассадаги терминал орқали нақд пул олганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси берилади:

Д-т 22618 «Жисмоний шахсларнинг пластик картлар бўйича мажбуриятлари»

К-т 10107 «Банкоматлардаги нақд пул».

Агар бошқа банк мижозлари нақд пул олса унда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси берилади:

Д-т 19997 «Бошқа активлар»

К-т 10107 «Банкоматлардаги нақд пул».

Терминалга нақд пул олиш Агро Банк филиалларида пластик карт бўлими кассири томонидан амалга оширилади. Нақд пул Агро Банк

филиалларида 3 кун муддатгача сақланиши мумкин. Нақд пул кун охирида амалиёт кечки кассирга белгиланган тартибда топширилади ва кейинги кун бошида белгиланган тартибда қайтариб олинади.

Банкомат - электрон қурилма бўлиб, у орқали эгалик қилувчи (держатель) пластик карт билан қуйидаги операцияларни амалга оширади:

а) ҳисоб варағидаги ва пластик карт ҳисобварағидаги маблағи ҳақида маълумот олиш;

б) “пин код”ларни ўзгартириш;

в) пластик карт билан нақд пул олиш.

Эгалик қилувчи (держатель) пластик картни банкоматга қўйгандан сўнг «пин код»ни ва керакли суммани териши лозим. Агар картда маблағ бўлса, картдан терилган маблағ айирилиб, пул чиқариб берилади. Ушбу вазибалар бажарилгандан сўнг эгалик қилувчи (держатель) нақд пул ва чекни олади. Сўнг пластик картни олиши мумкин.

Эгалик қилувчи (держатель) олган чекда қуйидаги ахборотлар мужассам бўлади:

а) пластик картнинг тартиб рақами;

б) олинган сумма;

в) нақд пул олинган куннинг санаси ва соати;

г) пластик картдаги операция бажарилгандан сўнгги қолдиқ.

Изоҳ: чек реквизитлари ўзгариб туриши мумкин.

Савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари учун пластик картлар бўйича нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг автоматлаштирилган тизимининг иккиламчи эмиссия марказига эга бўлган банк филиалларида ўзаро ҳисоб китобларни амалга ошириш учун нолга тенг қолдиқни кундалик бошқариб туриш билан бош китобнинг 29804 коди остида инкассация қилинган пул тушумининг транзит ҳисобварағи очилиши лозим.

Савдо карти инкассация қилинганда эгалик қилувчи (держатель) харид қилган маҳсулот суммаси унинг ҳисоб рақамидан автоматлашган ҳолда айирилади. Бунда эгалик қилувчи (держатель)дан олинган сумма қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали расмийлаштирилади:

Дт-22618 “Жисмоний шахсларнинг пластик картлари бўйича мажбуриятлари;

Кт- 29804 “Инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклар”.

Агар бошқа банк мижозларига терминал орқали хизмат кўрсатилса у ҳолда “NCI дастурида” қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси бўлади:

Дт-19997 “Бошқа активлар”

КТ-29804 “Инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклар”.

Бундай пайтда 29804 транзит ҳисоб рақамига ўтказилган сумма, шартномада кўрсатилган ҳолда, унинг маълум бир қисми савдо корхоналари ҳисоб рақамига, маълум бир қисми эса банк фойдасига ўтказилади. Бу қуйидаги бухгалтерия ўтказмаларида ўз аксини топади:

Дт-29804 “Инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклар”;

Кт- “Терминал ўрнатилган савдо ва хизмат  
кўрсатиш шаҳобчалари ҳисоб рақами”

Дт-29804 “Инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклар”;

КТ-45249 “Бошқа кўрсатилган хизматлар ва воситалик  
учун олинган даромадлар”.

Пластик картлар бўйича нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг автоматлаштирилган тизимида юқорида кўрсатиб ўтилган ўтказмаларни шакллантириш билан бир пайтда иккита тўлов топширикномаси бири корхона билан ўзаро ҳисоб китоблар суммасига бошқаси банк даромадига ҳисоблаш суммасига шакллантирилади. Ушбу юқорида кўрсатилган ҳар бир ўтказмалар учун мемориал ордер чиқарилиб, кун ҳужжатларига тикилиб борилади.

## 2 – БОБ. ОАТБ «АГРОБАНК» ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА БАНК КАРТАЛАРИ БИЛАН ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ОПЕРАЦИЯЛАР ҲОЛАТИ.

### 2.1. Банк фаолиятини ривожлантиришнинг асосий мақсади, стратегияси ва йўналишлари\*.

Банкнинг бош мақсади - ўз мижозларига замонавий банк хизматларини кўрсатувчи, республиканинг барча худудларида кенг филиал тармоқларига эга бўлган ва барқарор молиявий фаолиятни юритувчи универсал банк даражасида ўз мавқеини доимий мустаҳкамлашдан иборат

Банк фаолиятида асосий эътибор унинг барқарорлиги, самарадорлиги, фойдалилиги ва рақобатбардошлигини оширишга қаратилади. Бундан келиб чиқиб, банк устувор йўналиш сифатида ликвидлик ва тўловга қобилиятликни танлайди, бундан сўнг даромадлиликни оширишга интилади.

Банкнинг капитал базасини мустаҳкамлаш мақсадида 2009 йилда олинган фойданинг 30 фоизи капиталлаштиришга йўналтирилади. Бу ўз навбатида банкнинг активларини ошириш ва фойдалилигини кўпайтиришга асос бўлади ҳамда банкнинг келажакдаги ривожланиши учун замин яратади.

Республика банк тизимининг умумий ривожланиши банкнинг жорий ҳолатига таъсир этувчи муҳим ташқи омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Банклар ўртасида ўтказиладиган тўловлар ҳажмининг доимий ўсиб боришини инобатга олиб, бу омил сезиларли даражада тўловлар тизими даражаси ва йўналишини такомиллаштиришни, янги банк технологиясини жорий этиш ҳамда тақдим қилинаётган хизматлар соҳасини кенгайтиришни талаб этади.

Муҳим ички омилларга активлар ва пасивларнинг вужудга келган тузилмаси, банк технологиясининг ривожланиши, банкнинг моддий-техника базаси, ходимларнинг малакаси кабилар киради.

Активлар ҳажмида кредит қўйилмалари устуворлигининг сақланиши ҳозирги пайтда актив ва пасивлар ундирилиш муддати бўйича мутаносиблик муаммосини ҳал қилишни талаб этади. Кредит қўйилмаларининг маълум бир қисми "талаб қилиб олингунча" шартларда жалб қилинган маблағлар ҳисобидан ресурслар билан таъминланиши жорий ликвидликни бошқариш жараёнини қийинлаштириши мумкин. Шу сабабли активлар ва пасивлар тузилмасини мақбуллаштириш, актив операциялар, жумладан кредитлар бўйича юзага келаётган таваккалчиликларни бошқариш

юзасидан ишлар самарадорлигини ошириш масалалари долзарб бўлиб қолмоқда.

Республиканинг барча ҳудудларида банк филиалларининг мавжудлиги агросаноат комплексига банк хизматларини кўрсатиш бўйича юклатилган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун қулай шароит бўлиб ҳисобланади ва шу билан бир қаторда банкнинг моддий-техника базасини етарли даражада сақлаш учун доимий ҳамда сезиларли миқдорда харажатлар қилишни талаб қилади.

Иқтисодиётда, шу жумладан, қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жойларда банк шохобчалари (минибанклар, махсус кассалар) тизимини кенгайтириш истиқболдаги асосий вазифалардан биридир.

Компьютер ва телекоммуникация тизимини замонавий техникалар билан жиҳозлаш бўйича вазифани ҳал қилиш билан биргаликда банкнинг бир қатор вилоят ҳамда туман филиаллари биноларини қуриш ва капитал таъмирлаш ҳам долзарб масала ҳисобланади.

Банк Бизнес-режасининг 2008 йил учун асосий кўрсаткичлари қуйидаги миқдорларда белгиланади:

-----  
\* асосий маълумотлар банк сири ҳисобланганлиги учун 2008 йил кўрсаткичларидан фойдаланилди. Мақсад ва вазифаларда принципиал ўзгаришлар мавжуд эмас.

а) 2007 йил якунига кутилаётган ижрога нисбатан 34,3% га ўстириш орқали 160,9 млрд. сўм миқдорида даромад олган ҳолда 135,9 млрд. сўм харажат қилиб, банк фойдасини 25,0 млрд. сўмга етказиш (банкнинг умумий рентабеллик даражаси 15,5% миқдорда режалаштирилган);

б) 2008 йил давомида жамланма капитални 56,1% га ўсишини режалаштирган ҳолда 188196,9 млн. сўмга етказиш, бунда устав капиталини 100000 млн. сўм миқдорида шакллантириш;

в) 2007 йил якунига кутилаётган ижрога нисбатан банк активларини 27,1% га ўстириш орқали уларнинг миқдорини 914,7 млрд. сўмга, шу жумладан, кредит қўйилмалари ҳажмини 27,8% га ўстириш орқали 633,9 млрд. сўмга етказиш;

г) даромад келтирадиган активларни 24,9% га ўсишини режалаштирган ҳолда 656,9 млрд. сўмга етказиш;

д) 2008 йил давомида жамланма капитални 56,1% га ўсишини таъминлаш билан капиталнинг етарлилик коэффицентини 25,7% га ва

левераж даражасини 18,8% га етказиш ҳамда 2008 йил якуни бўйича олинadиган фойдадан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 июлдаги "Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодий ва модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 670-сонли қарорига асосан 30% миқдорида капитализацияни амалга ошириш.

Банк 2008 йил учун белгиланган параметр ва кўрсаткичларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида устувор йўналишлар сифатида куйидагиларни белгилайди:

а) кадрлар сиёсатини кучайтириш, банк соҳасида кадрлар тайёрлаш услубларини мунтазам такомиллаштириш, ёш ҳамда иқтидорли ходимларни танлаш ва уларни раҳбар лавозимлар захирасига киритиш, захирага олинган ходимлар фаолияти устидан доимий мониторинг ўрнатиш механизмини такомиллаштириш, мукамал дастурлар асосида семинарлар ташкил этиш йўли билан юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш;

б) банк инфратузилмасини ривожлантириш, банк шохобчалари (минибанклар), валюта айирбошлаш шохобчалари ва махсус кассалар тармоғини озик-овқат (деҳқон) бозорлари ҳудудларида жойлаштирган ҳолда кенгайтириш, дам олиш ҳамда байрам кунларида белгиланган тартибда ишлашини таъминлаш; ушбу тизимни зарурий жиҳозлар, банк техникаси, технологиялари ва дастурлари билан таъминлаш, банк филиаллари ҳамда шохобчалари (минибанклар) ўртасидаги телефон ва модем алоқаси сифатини тубдан яхшилаш билан бир қаторда ушбу тизим ходимларининг касбий малакасини ҳамда улар томонидан кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини ошириш;

в) банкнинг ўз капитали билан иқтисодийнинг базавий тармоқларини модернизациялаш ҳамда уларни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича давлат дастурларини бажариш жараёнидаги иштирокини кенгайтириш;

г) банк фаолиятини амалга ошириш борасида миқдор кўрсаткичи тамойилидан сифат кўрсаткичига ўтиш жараёнини тезлаштириш, жумладан кредит қўйилмалари ҳажмини ўстириш билан бирга уларнинг сифатини оширишга асосий эътиборни қаратиш, кредит портфелининг диверсификация даражасини кўтариш ва кредитлар тўплануви устидан назоратни кучайтириш;

д) банкнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш, шу жумладан, банкнинг ўз ресурслар базасини, хусусан аҳоли омонатлари салмоғини ўстиришга (узок

муддатли омонатларнинг ресурс базасидаги салмоғини ошириш ҳамда чет эл валютасидаги омонатларнинг янги турларини ишлаб чиқишга) алоҳида эътибор қаратиш ва кредит маблағларига бўлган талабни тўлиқ қондириш орқали республика иқтисодиётида кечаётган ислохотларни қўллаб-қувватлаш;

е) чет эл вакил банкларининг янги кредит йўналишларини банкка жалб қилиш, халқаро операциялар бўйича ташқи савдони молиялаштириш амалиётини кенгайтириш, мавжуд кредит йўналишларидан самарали фойдаланиш, жумладан микрокредитлашни жадаллаштириш орқали кичик бизнесни ривожланишига молиявий ёрдам бериш;

ё) халқаро молия институтлари ва ташкилотлари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш, қишлоқ хўжалигини молиялаштириш соҳасида халқаро тажрибани кенг ўрганиш ҳамда амалиётда қўллаш, банк бизнесига оид халқаро стандарт ва тамойилларни банк фаолиятига жорий этиш уни тўлиқ универсаллаштириш, янги бозорларга кириш, жумладан аҳолига истеъмол кредитлари беришни кенгайтириш;

ж) банкнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизимини такомиллаштиришга эришиш, ушбу йўналишдаги камчиликларни бартараф этишда асосий эътиборни ички назорат тизими фаолиятини тубдан яхшилаш ҳамда "NCI" дастури модулларидан банк филиалларида самарали фойдаланилишига тўлиқ эришиш;

з) банкдан ташқари нақд пул айланмасини тубдан қисқартириш ва банк филиалларига бўш пул маблағларини жалб қилиш билан мижозларнинг нақд пулга бўлган талабларини доимий равишда, ўз вақтида ҳамда тўлиқ қондириб бориш, бунинг учун банк филиалларида етарли миқдорда нақд пул захираларини ташкил этиш, йирик миқдорда нақд пул тушумига эга бўлган мижозлар сонини кўпайтириш юзасидан амалий чораларни кўриш;

и) банкнинг пластик карточкалари билан ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш, иш ҳақи ва коммунал тўловларни пластик карточкалар орқали тўлашни кенг жорий этиш, савдо шохобчаларида терминаллар орқали савдо ҳажмини кўпайтириш ҳамда аҳолига хизмат кўрсатувчи корхоналарда нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш учун терминалларни ўрнатишни кенгайтириш;

к) корпоратив бошқариш тизимини такомиллаштириш, жумладан банк тизимида Ягона Баланс технологиясини жорий этиш ва банкнинг Интеграллашган Ахборот-Таҳлилий Тизимини (ИАТТ) ишга тушириш, уни доимий равишда такомиллаштириш, Марказий банкнинг ИАТТ тизими билан боғланишни таъминлаш ҳамда бунинг учун банк филиалларини

рақамли алоқа каналлари билан таъминлашга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;

л) замонавий банк хизматларини жорий қилиш, мавжуд банк хизматлари сифатини ошириш, таннархини пасайтириш ва уларнинг қийматини мунтазам қайта кўриб бориш орқали янги мижозларни банкка жалб этиш билан банкнинг мижозлар базасини янада кенгайтириш;

м) банкнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш борасида "Фитч Рейтингс" компаниясининг халқаро рейтингини мунтазам равишда олиш бўйича ишларни фаол давом эттириш;

н) тижорат банкларига берилган солиқ имтиёзларидан Пахта Банк тизимида самарали ва тўлиқ фойдаланилишини таъминлаш ҳамда бу мақсадда самарали мониторинг юритиш тизимини йўлга қўйиш;

о) банкнинг қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ корхона ва ташкилотларга хизмат кўрсатувчи республиканинг етакчи банки сифатидаги мавқеини янада мустаҳкамлаш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Агробанк" акциядорлик тижорат банкининг ташкил этиш тўғрисида" 2009 йил 30 март, ПҚ-1084-сонли қарори мувофиқ иқтисодиётнинг аграр секторини янада барқарор ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни изчиллик билан чуқурлаштириб бориш, фермерлик ҳаракатини кўллаб-қувватлаш, унинг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишловчи замонавий корхоналарни жадал барпо этиш, юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича замонавий технологиялар ва ускуналарни татбиқ қилиш ҳамда ички бозорни маҳаллий озиқ-овқат товарлари билан тўлдиришга йўналтирилган кенг турдаги банк хизматларини кўрсатиш мақсадида "Пахтабанк" акциядорлик тижорат банки акциядорларининг уни "Агробанк" акциядорлик тижорат банки этиб қайта ташкил қилиниб, "Агробанк" АТБ очик турдаги акциядорлик жамияти шаклида ташкил қилинди ҳамда мулккий, молиявий ва бошқа мажбуриятлар бўйича, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағлари сақланиши ва ўз вақтида қайтарилишини кафолатловчи талаблар бўйича "Пахтабанк" АТБнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланди.

"Агробанк" АТБнинг асосий вазифалари:

қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликларига кредит бериш ва комплекс тарздаги банк хизматлари кўрсатиш;

қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилари, барча мулкчилик шаклидаги корхоналар, шу жумладан, пахта ва ғалла маҳсулотларини қайта ишлаш,

сақлаш, ташиш ва сотишга ихтисослашган пахта тозалаш ва донни қайта ишлаш саноати корхоналарига кредит бериш ва молиялаштириш механизмларини изчил такомиллаштириб бориш;

ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, агросаноат комплекси тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилашга, замонавий чет эл технологиялари ва ускуналарини жалб этишга йўналтирилган фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш, шу асосда юқори сифатли, ички ва ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш, ички истеъмол бозорини маҳаллий озиқ-овқат товарлари билан барқарор тўлдириш;

банкнинг шахсий ресурсларини сафарбар қилиш, омонатлар ва депозитларнинг янги жозибадор турларини таклиф этиш йўли билан аҳоли ва корхоналарнинг маблағларини жалб қилиш, улардан самарали, шу жумладан, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда самарали фойдаланиш, қўйилган маблағлар ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилишини таъминлаш;

халқаро молия институтлари ва етакчи хорижий банкларнинг имтиёзли кредитлари инвестициялари ва грантларини жалб этиб, кейинчалик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилари ва республика иқтисодиёти агросаноат сектори корхоналарини ана шу маблағлар ҳисобига қайта молиялаштиришдан иборат эканлиги белгиланган.

## **2.2. Банк карталари шакллари ва улар билан операцияларни амалга ошириш тартиби.**

Банк карточкаси – банк тизимини тўлов механизмни такомиллаштириш устида олиб борилган кўп йиллик меҳнатнинг натижаси, ҳозирги замон кишининг ажралмас атрибутидир.

Пластик карточка – тўлов воситаси бўлиб, унинг ёрдамида карточка эгалари товарлар ва хизматлар учун нақд пулсиз ҳисоб – китобларни амалга ошира оладилар ёки банкоматлардан ё бўлмаса, нақд пул бериш шахобчаларида нақд пул олишлари мумкин.

Пластик карточка ўзида ҳисобварақ ҳақидаги муайян маълумотни сақлайди ва фақат эгасининг ҳисобварағидаги пул маблағларидан фойдаланиш воситаси бўлиб хизмат қилади. У тўлов воситаси эмас, балки тўловни амалга ошириш воситасидир.

Ҳозирги кунда ер юзида банк карточкалари воситасидаги нақд пулсиз ҳисоб – китоблар шу даражада ривожланиб кетдики, эндиликда пластик

карточкалардан фойдаланилмайдиган соҳани топиш қийин. Дунёнинг иқтисодийети ривожланган ва ривожланаётган давлатларида магазинлар, авиакассалар, меҳмонхоналар ва минглаб савдо марказлари пластик карточкаларни тўлов воситасида қабул қиладилар.

Ўзбекистонда банк тизими ривожланишининг янги босқичи мижозлар учун кенг доирадаги янги хизмат турларини таклиф этиш тўловлар тизимининг илғор технологияларини жорий этиш ва шу каби йўналишларни ўз ичига олган ҳолда, банклараро рақобатни ривожлантириб бориш билан характерланади.

Бугунги кунда Республикамизда ягона электрон тўлов тизимининг ривожланиб бориши, унда илғор технологияларни тадбиқ этиш учун кенг имкониятлар яратилиши билан бирга, ҳозирги пайтда жаҳон амалиётида кенг қўлланиб келинаётган пластик карточкалар ва улар асосида тўловларни амалга ошириш бўйича шароит ташкил қилмоқдалар.

Пластик карточкаларга асосланган ҳисоб – китоблар тизими иқтисодийети ривожланган мамлакатларда тўлов тизимининг асосини ташкил этаётган бир пайтда, Ўзбекистонда пластик карточкаларга асосланган ҳисоб – китоблар шакли тобора оммавийлашиб бораётганлигини кўриш мумкин. Бугунги кунда ер юзасида тўлов карточкаларининг кўплаб турлари мавжуд. Шу ўринда пластик тўлов воситалари функцияларида келиб чиқиб, турли гуруҳлар бўйича таснифлаш мумкин.

Молиявий нуқтаи назардан пластик карточкалар куйидагича таснифланади:

**1) Кредит карточкалари** – нақд пулсиз тўловлар тизимида энг кўп тарқалган пластик карточкалар. Кредит карточкалари иштирокидаги операциялар алоҳида ҳисобварақлар ёрдамида амалга оширилиб, унинг доирасида карточка эгаси маълум миқдордаги кредит суммасидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади. Баъзи кредит карточкалардан банкоматларда нақд пул олиш учун ҳам фойдаланиш мумкин. Карточка эгаси томонидан харид қилинадиган товар ёки хизматлар учун тўловлар карточка эмитенти томонидан муомалага чиқарилган кредит карточкалари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Карточка ёрдамида тўловни карточка маълумотларни ўқиш учун мўлжалланган махсус қурилма терминал билан жиҳозланган ҳар қандай савдо марказида амалга ошириш мумкин. Кредит карточкалари тўлов функцияларидан ташқари, қўшимча функцияларни, яъни суғурта, сервис, пресстиж каби функцияларни таклиф этиши мумкин. Уларнинг бошқа тўлов карточкалардан асосий фарқи, карточка эгасига тўлов муддатини узайтириш имкониятини беришидир. Бунда карточка эгаси

томонидан тўлов товар олингандан ёки хизмат кўрсатилганидан кейин амалга оширилади.

Кредит карточкаларини, уларнинг хусусияти жиҳатидан “тўлов муддатини узайтириш” ҳамда “тўлов муддатини узйтириш ва кредит” бўлиши мумкин. Тўлов муддатини узайтириш имкониятини берувчи карточкалар “чарж кортс” деб айтилади. Бу тоифадаги карточкаларга Германия кредит карточкалари мисол бўла олади. Ушбу давлатда банклар томонидан асосан универсал кредит марточкалар муомалага чиқарилади. Кредит карточкалар учун "янгиладиган кредит" функцияси ўрнига аксарият немис банклари томонидан ўз миждларига диспокредит (яъни, миждларнинг банклардаги жорий ҳисобварақаларини қўшимча кредитлаш) имкониятини яратади, бунда миждлар ўз ҳисобварақалари қолдиқларига нисбатан маълум миқдоргача қўшимча суммадан фойдаланишлари мумкин. Бу жараён банк амалиётида овердрафт – кредитлаш деб аталади. Инглиз тилида сўзлашувчи давлатларда асосан, тўлов муддати узайтириш ҳамда автоматик янгиладиган кредит карточкалардир.

Диспокредит бўйича фоизлар автоматик янгиладиган кредит карточкалари бўйича белгиланган фоизлар нисбатан пастроқ.

Муомалага чиқарилган пайдан бошлаб, кредит карточкалар икки турга: "банк карточкалари" ва "универсал карточкалар", яъни "Т&Е" карточкаларига бўлинади.

1) Банклар томонидан чиқарилган карточкалар кўпроқ "кенг истеъмолчилар" манфаати учун мўлжалланган бўлиб, улар одатда нақд пулсиз тўловларни амалга оширишга йўналтирилган. Кредит карточкалар тизимида VISA ва Master Card энг кўп тарқалган банк карточкалари сирасига киради. "Т&Е card" карточкаларидан фарқли равишда булар банклар томондан муомалага чиқарилган.

2) Универсал карточкалар, яъни "Т&Е" карточкалар воситасидаги опециялар эмитентлар томонидан шартли шартли лимит доирасида молиялаштирилади. Карточка эгаси ўз навбатида маълум миқдорда имтиёзга эга, бу турдаги карточкалар мақсадли карточкалар деб аталади. Улар асосида ресторан, телефон сўзлашуви, машина ижараси, ёқилғи қўйиш шахобчаларида кўрсатилган хизматлар ҳақи тўланилади. Лекин улар банклар томонидан муомалага чиқарилмайди.

Кредит карточкалар билан тўловларнинг қулайлиги:

- қисқа вақт ичида карточка ҳисобварағига қолдиғини текшириш;
- авторизациялаш;
- тўлов санасини аниқлаш;

– ҳисобварақдан ундириб бериш.

3) Дебет карточкалар – пластик карточкалар тизимида фақат тўлов воситаси вазифасини бажаради. Дебет карточкасининг хусусияти тўлов воситаси сифатида улар қўлланганда карточка эгасининг ҳисобварағи дарҳол дебетланади, яъни ҳисобварағидан пул дарҳол кўчирилади. Бунда тўлов амалга оширилаётган жойдан карточка эгасининг ҳисобварағига Online – шароитида алоқага чиқилади. Тўловни авторизациялаш жараёни тўловчининг ҳисобварағидан пулни ҳисобдан чиқариб, тўловни қабул қилувчига ўтказиб бериш билан тугалланади. Пулни ўтказиш бўйича тегишли транзакция кейинги иш кунида амалга оширилади ёки улар энг оддий ва универсал восита ҳисобланилади. Дебет карточкаси қолдиғида маблағ бўлмаса, тўлов амалга оширилмайди. Дунёда энг кўп тарқалган дебет карточкалар ҳисобланади, уларга мисол Maestro, Visa electron, Cirrus каби карточкалар қўлланилади.

Электрон банк автоматлари учун мўлжалланган карточкалар ҳам дебет карточкаларининг бир тури ҳисобланилади. Мижознинг ҳисобварағидаги қолдиқ банк автоматларидан нақд пул олиш ёки нақд пул қўйиш мўлажалланган бу турдаги карточкалар банкда депозит ҳисоб варағи бўлган миқдорларга берилади.

3. Чеклар воситасидаги тўловларни қафолатлаш учун фойдаланиладиган карточкалар. Бу турдаги карточкалар миқдорнинг ҳисобварағи очилган банк томонидан берилиб, чекларни қалбакилаштиришни олдини олиш мақсадида чиқарилади.

Ушбу турдаги карточкаларни пайдо бўлиши чеклар воситасида кредитлаш билан боғлиқ бўлиб, улар шахснинг банк ҳисобварағи асосида берилади. Бундай тизимда чеклар маълум келишилган лимит суммасигача тўлов қабул қилинади. Кўпчилик ҳолларда, чек суммаси ҳисобварақдаги қолдиқдан ошиши билан автоматик тарзда кредит ажратилади. Чек карточкаси ҳисобварақлари орқали ажратилган кредитлар, одатда ҳисобвараққа маблағ келиб тушиши билан қайтарилиши мумкин.

Шунингдек, чекларни қафолатлаш карточкалари миқдорларни идентификациялаш учун ҳам ишлатади. Мазкур тизим ўз имкониятлари билан чеклар воситасидаги тўловларни ривожлантиради анча қулайликларни яратади. Қафолатлаш карточкаларида идентификация рақамлари, амал қилиш муддати ва миқдорнинг имзоси бўлади. Имтиёзли миқдорлар учун баъзи банклар овердрафт шартларисиз қафолат карточкалари чиқарадилар. Бундай имкониятлар еврочек ва бир нечта давлатларда муомалада бўлган бошқа чеклар эгалари учун чиқарилган. Масалан, “Америка экспресс тревел чекс”

чеклари воситадаги ҳисоб–китоблар тизимида қўшимча банк карточкалари ишлатилмайди.

**4.** Бошқа тўлов карточкалари тизими. Нақд пулсиз тизимида дебет ва кредит карточкалар қаторига бугунги кунда муомалада бўлган “қимматли карточкалар”ни киритиш мумкин. Бу тоифадаги тўлов карточкалари, яъни нақд пул суррогатлари деб ҳам аталади, чунки улардан нақд ва нақдсиз пуллар ўрнида фойдаланиш ҳам мумкин.

Уларнинг хусусияти, тўлов мақсадларида фойдаланишдан олдин ушбу карточкалар чип – қурилмаси ўрнатилган карточкаларнинг сони ошиб бораётганини кўриш мумкин, чунки бу қурилма карточкада маълумотларни сақлаш хавфсизлиги нуқтаи назаридан муҳим ҳисобланади. Чип қурилмаси ўрнатилган карточкаларнинг магнит чизиқли карточкалардан устунли томони шундаки, чип карточкалари билан “Off – line” режимида ҳам тўловларни амалга ошириш мумкин. Магнит чизиқли карталар бўш қилолмайдилар.

“Қимматли карточкалар”га пул олдиндан қўйилади, ҳар бир тўлов вақтида карточкада маълумотларни сақлаш қурилмаси (чип) дан суммалар ҳисобдан чиқарилиб борилади. Клиринг талаб қилинадиган тизимларда эса, маълумотларни сақлаш қурилмадан тўланиши лозим бўлган суммалар ўқиб олинади ва эмитент ҳамда акцептант ўзаро келишилган тартибда эмитентга тегишли сумма ундириб олиш учун жўнатилади ва ундириб олинади.

Қимматли карточкалар ҳам бир неча гуруҳга бўлинади:

**а)** Моносервис карточкалар – бирор бир хизмат тури учун тўловни амалга оширишга мўлжалланган. Масалан, телефон ёки интернет карточкалари.

**б)** Мултисервис карточкалар – турли хизмат ёки товарлар ҳақини нақд пулсиз кўринишида тўлаш учун қўлланилади. Ушбу корхоналарни нақд пул билан тўлаш мақсадида ҳам ишлатиш мумкин. Улар “Электрон ҳамён” деб атладилар. “Электрон ҳамён” кўп маротаба пул қўйиш ва ундан тўловларни амалга ошириш мумкин. Улар, яъни сервис хизматини ҳам таклиф этиши мумкин.

Мижозларнинг тоифалари бўйича пластик карточкалар қуйидагиларга ажратилади:

– Оддий карточкалар – оддий мижозлар доираси учун мўлжалланган, масалан “Classik Visa” ва “Eurocard / Master Card” лар.


– Кумуш карточкалар ёки бизнес карточкалар – муайян компания томонидан ўз ходимлари учун мўлжалланган карточкалар. Карточка эгалари ўз компанияси маблағларини маълум чегарада ишлатиш ваколати берилади.

– Олтин карточкалар – таъминланган ва бой миждозлар учун мўлжалланган. Масалан, “American Express Gold Card”, “Gold Master Card”, “VisaVip” карточкалари.

Ҳозирги кунда пластик карточкалардан пул маблағлари икки усулда ҳисоб – китоб тизими асосида амалга оширилади:


1. “On – line” (очиқ линия) – банк орқали пул кўчирилади (магнит ёки чизиқли карталар). Бу тизимдан фойдаланганда банк ҳисоб рақамига мувожаат қилиш лозим (1 – 2 дақиқа ичида).

Реал вақт режимида (On – line) ҳисоб рақамдан пулни олиш чизмаси:



2. Охирги вақтда самарали “Off – line“ (ёпиқ линия) тизимидан фойдаланаяптилар. Опрецияларни ўтказиш харажатлари жуда паст бўлиб, операция дарҳол амалга оширилади.

Белгиланган муддат ичида ҳисоб рақамдан пул маблағларни ўтказиш чизмаси:



### 2.3. 2008 йилда банк депозит фаолияти ва банк карталари билан операцияларнинг асосий кўрсаткичлари таҳлили.

2008 давомида ОАТБ «Агробанк» («Пахтабанк») Самарқанд вилоят бошқармасининг барча манбалар ҳисобидан жами кредит қуйилмалари миқдори 6 952,6 млн. сўмни ташкил этди ва ва ўтган йилга нисбатан 4 097 млн. сўмга ёки 2,4 баробарга ошган.

Ушбу кредит қуйилмаларининг тармоқлар бўйича жойланилиши куйидагича:

№	Тармоқ номи	Қуйилма миқдори (млн.сўм)	салмоқ (% ларда)
1	Саноат соҳаси	2 686,6	38,6
2	Қишлоқ хўжалиги корхоналарига	2 808,1	40,4
3	Қурилиш ва маиший хизмат кўрсатиш соҳаси	743,4	10,7
4	Айланма маблағларни тўлдириш ва бошқа мақсадларга	714,3	10,3
5	Жами	6 952,5	100,0

Гачи жами кредит қуйилмалари ҳамда уларнинг тармоқлар бўйича жойлашувининг динамик ўзгариши нўқтаи назаридан таҳлил қиладиган бўлсак, бошқарма ўз кредит қуйилмаларини иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларига йўналтираётганлиги ва реал ишлаб чиқариш соҳасини қўллаб – қувватлаётганлиги ҳамда Республика Президенти томонидан банк соҳаси олдида қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажарилишини таъминлаш юзасидан фаол ишлар олиб бораётганлигининг гувоҳи бўламиз.

№	Тармоқ номи	Кредит миқдори (млн.сўм)		ўзгаришлар	
		2007 йил	2008 йил	абсолют ўсиш	нисбий ўсиш
1	Саноат соҳаси	1 103,6	2 686,6	1583,0	243,4
2	Қишлоқ хўжалиги корхоналарига	1153,5	2 808,1	1655,4	243,4
3	Қурилиш ва маиший хизмат кўрсатиш соҳаси	305,4	743,4	438,0	243,5
4	Айланма маблағларни тўлдириш ва бошқа мақсадларга	293,4	714,3	421,0	243,5

	Жами	2 856,0	6 952,5	4097,0	243,4
--	------	---------	---------	--------	-------

2007 йилда ажратилган жами кредитлар ҳисобига 181 та янги иш ўринлари ташкил қилинган бўлса, 2008 йил давомида банк кредитлари ҳисобига 2875 янги иш ўринлари ташкил этилган.

### ОАТБ «Агробанк» Самарқанд вилоят бошқармаси бўйича 01.01.2009

йилга олиш учун ссудалар тўғрисидаги маълумот

(минг сўмларда)

Халқ хўжалиги тармоқлари	Жорий	Қайта кўрилганлар	Муддати ўтган	жами	% салмоқ
1	2	3	4	5	6
<b>Қисқа муддатли</b>					
Саноат	3 082 219			3 082 219	5,2
Қишлоқ хўжалиги	11 707 244			11 707 244	19,6
Тайёрлов	0			0	0,0
Транспорт ва алоқа	0			0	0,0
Қурилиш	<b>1 191 534</b>			1 191 534	2,0
Савдо ва умумовқатланиш	<b>3 586 080</b>			3 586 080	6,0
Моддий техника таъминоти	<b>4 918 087</b>			4 918 087	8,2
Уй жой коммунал хўжалиги				0	0,0
Маиший хизмат				0	0,0
Ташқи савдо				0	0,0
Бошқа тармоқлар	4 531 300		0	4 531 300	7,6
<b>Жами қисқа муддатли ссудлар</b>	<b>29 016 464</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>29 016 464</b>	<b>48,6</b>
<i>Минус: Эҳтимолий йўқотишлар заҳираси</i>	4 194			4 194	0,0
<b>Қисқа муддатли кредитлар соф</b>	<b>29 012 270</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>29 012 270</b>	<b>48,6</b>
<b>Узоқ муддатли</b>					0,0
Саноат	5 675 438		0	5 675 438	9,5
Қишлоқ хўжалиги	<b>9 170 411</b>		0	9 170 411	15,4
Тайёрлов				0	0,0
Транспорт ва алоқа	17 692		0	17 692	0,0
Қурилиш	<b>1 649 598</b>		0	1 649 598	2,8
Савдо ва умум овқатланиш		0	0	0	0,0
Моддий техник таъминот	<b>1 503 065</b>		0	1 503 065	2,5
Уй жой коммунал хўжалиги			0	0	0,0
Маиший хизмат			0	0	0,0
Ташқи савдо	<b>0</b>		0	0	0,0

Бошқа тармоқлар	<b>12 691 198</b>		0	12 691 198	21,2
<b>Жами узок муддатли ссудалар</b>	<b>30 707 402</b>	<b>0</b>	0	<b>30 707 402</b>	51,4
<i>Минус: Эҳтимолий йўқотишлар заҳираси</i>	29 367		0	<b>29 367</b>	0,0
<b>Узоқ муддатли кредитлар соф</b>	<b>30 678 035</b>	<b>0</b>	0	<b>30 678 035</b>	51,4
Жами ссудалар					0,0
Саноат	8 757 657	0	0	8 757 657	14,7
Қишлоқ хўжалиги	20 877 655	0	0	20 877 655	35,0
Тайёрлов	0	0	0	0	0,0
Транспорт ва алоқа	17 692	0	0	17 692	0,0
Қурилиш	2 841 132	0	0	2 841 132	4,8
Савдо ва умум овқатланиш	3 586 080	0	0	3 586 080	6,0
Моддий техник таъминот	6 421 152		0	6 421 152	10,8
Уй жой коммунал хўжалиги	0	0	0	0	0,0
Маиший хизмат	0	0	0	0	0,0
Ташқи савдо	0	0	0	0	0,0
Бошқа тармоқлар	17 222 498	0	0	17 222 498	28,8
<b>Жами барча ссудалар</b>	<b>59 723 866</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>59 723 866</b>	100,0
<i>Минус: Эҳтимолий йўқотишлар заҳираси</i>	33 561	0	0	<b>33 561</b>	0,1
<i>Жами кредитлар соф</i>	59 690 305			59 690 305	99,9

**Қисқа муддатли кредит кредит портфели.** 2008 йилнинг 9 оyi давомида Бошқарма тасарруфидаги филиаллар томонидан 126 савдо ташкилотига 2,9 млрд. сўм миқдоридаги кредит ажратилган. Савдо тушуми сифатида банк кассаларига шу даврда 20,7 млрд. сўм миқдоридаги нақд пул маблағлари келиб тушган.

2008 йилнинг 1 октябри ҳолатига аҳолига 4,3 млрд. сўм миқдорда истеъмол кредитлари ажратилган ёки ўрнатилган режа 106% га бажарилган. Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги ПФ – 3878 «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб қўвватлашга доир қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида» ги Фармонининг

ижросини таъминлаш учун 2008 йил давомида 605,8 млн. сўм миқдорда кредитлар ажратилган ва белгиланган режа 111,2% га бажарилган.

Аҳолининг истеъмол товарлари ва озиқ – овқат махсулотларига бўлган талабини қондириш мақсадида банк томонидан савдо дўконларини қуриш ва уларни таъмирлаш учун кредит ресурслари ажратилиб борилган. Жумладан, 21 савдо дўконини қуриш учун 286 млн. сўм, 13 дўконни таъмирлаш учун 111,5 млн. сўм кредитлар ажратилган. Улардан 27 тасида банк терминаллари ўрнатилган бўлиб, амалга оширилган савдо айланмаси 63,4 млн сўмни ташкил қилган. Ушбу савдо дўконлари томонидан 2008 йилнинг декабр ойида амалга оширилган махсулот айланмаси мос равишда 226 млн. сўм ва 386,7 млн. сўмга тенг бўлган. Банк кассаларига 580,8 млн. сўм нақд савдо тушуми топширилган.

Банкнинг ўз маблағи ҳисобидан қурилган ёки таъмирланган савдо дуконлари туғрисида 2009 йил 1 январ ҳолатига МАЪЛУМОТ

**(МИНГ СЎМ)**

т/р	Филиал ва мижозлар номи	Савдо дукони Қурилган ёки таъмирлангандан кейин фаолият бошлаган сана	Савдо дуконининг манзили	Савдо дукони қарашли бўлган савдо корхонасининг									Нақд пул тушумининг узгарishi (+ купайган, камайган) гр9-гр5
				савдо дукони фаолият бошлашдан олдинги даврда ойлнк маХсулот айланиши	шу жумладан			савдо дукони фаолият бошлаганда н кейинги даврда ойлик маҳсулот айланиши (2008 йил декабр ойи)	шу жумладан				
					нақд пулда	терминал орқали	маҳсулот айланиши		нақд пулда	терминал орқали	маҳсулот айланиши		
А	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	
	Октош ПБ												
1	Одилбек сардор ХК	21.07.2008	Одилбек сардор ХК, Наопай темани					5 980	5 980			5 980	
1	Жами							5 980	5980			«980	
	Жума ПБ												
1	Умар савдо дукони	14.08.2008	Жума шаҳри маркази					3 475	2 860	615	18	2 860	
2	Чархин нур	16.07.20	Чархин					28 632	26	1 890	7	26 742	

	замин ХФ	08	кургони						742			
2	Жами							32 107	29 602	2 505	8	29 602
	БЖБ											
1	Меҳрибон фарм сервис	18.07.2008	Самарканд ш. Амир Шохмурад кучаси 71А					7 679	6 867	812	11	6 867
2	Исаков Ахмаджон ХФ	04.08.2008	Самарканд ш. Жомий кучаси 64					4 526	4 526			4 526
3	Хақимов Гайрат ХФ	15.08.2008	Самарканд ш. М. Улугбек кучаси 17					3 980	3 980			3 980
4	Раҳматов Мизроб ХФ	25.07.2008	Самарканд ш. А. Темур кучаси 198					3 125	3 125			3 125
4	Жами							19 100	18 498	812	11	18 498
	Сиёб ПБ											
1	Лазиз зарангю ХФ	15.07.2008	Самарканд шах Умар Хайём куч					3 456	3 456			3 456
2	ХК Давлатжон Самарканд савдо	12.08.2008	Сиёб Дехкон бозор худуднада					3 571	3 145	426	12	3 145
2	Жами							7 027	6 601	426	12	6 601
	Булунгур ПБ											
1	Одилбек Бону хф	14.08.2008	Булунгур шаҳри					4 269	3 821	448		3 821
2	Марс коинот ЕС ХК	15.09.2008	Булунгур шаҳри					4 177	3 855	322		3 855

2	Жами							8 446	7 676	770		7 676
---	------	--	--	--	--	--	--	-------	-------	-----	--	-------

№ т/ р	Филиал ва мижозлар номи	Савдо дукони курилган ёки таъмирлангандан кейин фаолият бошлаган сана	Савдо дуконининг манзили	Савдо дукони қарашли булган савдо корхонасининг								
				фаолият бошлаганидан олдинги даврда ойлик маҳсулот айланиши	шу жумладан			савдо дукони фаолият бошлагандан кейинги даврда ойлик маҳсулот айланиши (2008 йил декабр ойи)	шу жумладан			Накд пул тушумининг узгарishi (+ купайган), камайган) гр9-гр5
					накд пулдан	терминал орқали	маҳсулот айланиши		накд пулдан	терминал орқали	маҳсулот айланиши	
А	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
	<b>Зиёвуддин ПБ</b>											
1	Сарбозор фирмаси	17.08.2008	Мисит КФЙ					3 451	3 451			3451
2	Пахтачи омухта ем савдо МЧЖ	15.09.2008	Пахтачи тумани					140 532	140532			140 532
<b>2</b>	<b>Жами</b>								<b>3 451</b>			<b>3 451</b>
	<b>Ургуг ПБ</b>											
1	Исом Х-ф	12.09.2008	Почвон кучаси 14 уй					4 646	4 228	418	9	4 228
<b>1</b>	<b>Жами</b>							<b>4 646</b>	<b>4228</b>	<b>418</b>		<b>4 228</b>
	<b>Гузалкент ПБ</b>											
1	Сео Элер ДТ	15.07.2008	Гузалкент к	14 500	14 500			46 190	44 300	1 890	4	29 800
<b>1</b>	<b>Жами</b>			<b>14 500</b>	<b>14 500</b>			<b>46190</b>	<b>44 300</b>	<b>1890</b>	<b>4</b>	<b>29 800</b>
	<b>Иштихон ПБ</b>											
1	хусусий корхомаси	20.07.2008	хусусий корхонаси Иштихон тумани	1420	1 420			3 198	3 121	77	2	1 701
2	ОбодХ/Ж	02.08.2008	Обод Х/ж, Иштихон тумани	12 900	12 900			63 943	58 822	5 121	8	45 922

3	Кутаралик Холмат ХК	28.07.2008	Кутаралик Холмат ХК, Иштихон тумани					30 499	18 231	12 268	40	18 231
3	<b>Жами.</b>			14 320	14 320			97 640	8017 4	17 466	18	65854
	<b>Каттакургон ПБ</b>											
1	Каттакургон сармоз ХК	12.08.2008	У Барноев					10 580	10 290	290	3	10 290
2	Ал лазиз ХФ	25.07.2008	А Навоий 181					5 673	4 428	1 245	22	4 428
3	Даврон Р ХД	17.07.2008	Д Журабаев					3 770	3 125	645	17	3 125
3	<b>Жами</b>							20 023	17 843	2180	11	17843
	<b>Челак ПБ</b>											
1	Пайарик чорва озика МЧЖ	12.09.2008	Челак шахри					91 290	91 290			91 290
1	<b>Жами</b>							91290	91 290			91 290
	<b>Тайлок ПБ</b>											
1	Хасан Зухра Азам МЧЖ	14.07.2008	Тайлок кургони					4 155	3 458	697	17	3 458
1	<b>Жами</b>							4 155	3458	697	17	3 458
	<b>Гулобод ПБ</b>									-		
	Шохрух МЧЖ	06.07.2008	Сам.туман Окмачит к.					69 305	5850 7	10 798	16	58 507
2	Платина Экспресс Сервис МЧЖ	12.08.2008	Сам.туман					3 338	2 860	478		2 860
3	Бахтиёр Сервис Мобиле ХК	16.08.2008	Сам.туман Улугбек к к					7 921	7 280	641		7 280
3	<b>Жами</b>							80 564	68 647	11917	15	68 647
26	<b>ХаММа</b>			28820	28820	0	0	329539	2904 58	39081	12	261638

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлдаги 318 «Олий ўқув юртларида тўлов – контракт асосида ўқиш учун

таълим кредитлари бериш тўғрисида» ги қарори асосида 332 талабага кредитлар ажратилган бўлиб, кредит қолдиғи 180,7 млн. сўм (2008 йил 1 октябри ҳолатига) га тенг.

**Қилоқ хўжалигини кредитлаш амалиёти.** 2008 йил давомида қишлоқ хўжалиги корхоналарига турли русумдаги тракторлар, уларга тиркамалар ва эҳтиёт қисмлар олиб келиш учун 2500 млн. сўмдан кўпроқ миқдорда кредит маблағлари ажратилган. Бундан ташқари бошқарма томонидан қишлоқ хўжалиги техникасини мавсумга тайёрлаш учун «Агромашсервис» бирлашмасига 3500 млн. сўмлик кредит ва факторинг хизматлари кўрсатилган. Шу билан бир қаторда 165 та муқобил машина техника паркларига 850,0 млн сўмлик кредит эҳтиёт қисмларни сотиб олиш учун берилган.

ОАТБ «Агробанк» олдига қўйилган асосий вазифалардан бири давлат буюртмаси асосида тайёрланадиган қишлоқ хўжалиги махсулотлари қийматининг 60% гача миқдорини аванслаш учун ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланишини таъминлаш, хўжаликлар ва тайёрлов ташкилотлари ўртасидаги контракция шартномалари бўйича ҳисоб – китобларни кечиктирмасдан амалга оширишдан иборатдир. Хўжаликлар томонидан тақдим қилинган агротехник тадбирларнинг ойлар бўйича меъёрларидан келиб чиққан ҳолда 2008 йил ғалла ва пахта ҳосилини молиялаштириш учун 30,5 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилган. Ажратилган имтиёзли кредитлар қуйидаги мақсадларга йўналтирилган:

№	Агротехник тадбир йўналиши	кредит суммаси (млн. сўм)
1	Иш ҳақи	3075,0
2	Менерал ўғит	10466,7
3	Ўсимликларни ҳимояси воситалари	956,0
4	МТП ва муқобил МТП хизматлари ҳақи	4062,6
5	Хўжаликлар ихтиёридаги техника харажатлари	938,1
6	Лизинг тўловлари	307,0
7	Нефт махсулотлари учун тўловлар	5964,4
8	Электр энергияси учун тўловлар	654,5
9	Уруғлик чигит сотиб олиш	2320,9
10	Сув учун тўловлар	255,0
11	Суғурта тўловлари	422,2
12	Ер солиғи тўловлар	568,2
13	Бошқа харажатлар	559,5

Банк фаолиятининг асосий кўрсаткичлари. 2009 йилнинг 1 январи ҳолатига бошқарманинг жамланма капитали 13163,3 млн. сўмга тенг бўлиб, фақатгина 2008 йилнинг 4 чораги давомида 370,7 млн. сўмга кўпайган. Жамланма капиталнинг структураси қуйидагича ҳолатда бўлган:

(млн. сўмда)

№	Капитал элементлари	01.10.2008 й.	01.01.2009 й.	ўсиш суръати
1	устав капитали	4489,6	4489,6	-
2	қўшимча капитал	124,7	124,7	-
3	заҳира капитали	5563,3	6333,1	113,8
4	тақсимланмаган фойда	1830,1	2215,9	121,1
	жами	12792,6	13163,3	102,9

Банк капиталининг кўпайиши тақсимланмаган фойда ҳамда заҳира капиталига ажратмалар ҳисобига бўлган.

2009 йил 1 январи ҳолатига банк мажбуриятлари 69871 млн. сўмни ташкил қилиб, шундан мижозларнинг ҳисобрақамларининг қолдиғи 42083,5 млн. сўмга шу жумладан талаб қилиб олгунча мажбуриятлар 10742 млн. сўмга тенг бўлган. Аҳолининг банкдаги муддатли ва жамғарма омонатлари қолдиғи 13738,7 млн. сўмга етди.

Банк активлари 83035 млн. сўмни ташкил қилган бўлиб, шундан юқори ликвидли активлар 10814 млн. сўмни ёки баланс валютасининг 13% ни ташкил қилган. Юқори ликвидли активлар таркибида кассадаги нақд пуллар – 1800,9 млн. сўмни, вакиллик ҳисоварақлари қолдиғи 8908,7 млн. сўмга тенг бўлган.

Шу санага банкнинг даромад келтирадиган активлари (брутто) 65305,9 млн. сўмни (ёки жами активларнинг 78,6%) ташкил қилиб, шундан даромад келтирадиган ссуда активлари 59692,1 млн. сўмга тенг бўлган. даромад келтирмайдиган активларнинг ҳажми 17729,1 млн. сўмга тенг бўлиб, унинг салмоғи 21,4% га тенг бўлган.

Банк бошқармаси томонидан 2008 йилда жами 13239 млн. сўм миқдорда даромад олинган бўлиб, шундан фоизли даромадлар 6952,7 млн. сўмни фоизсиз а бошқа операцион даромадлар 6286,3 млн. сўмга тенг бўлган. Жами харажатлар 11431,1 млн. сўмга тенг бўлиб, шундан фоизли харажатлар 3607,6 млн. Сўмни фоизсиз ва бошқа операцион харажатлар 7823,5 млн сўмни ташкил қилган. Соф фойда 1367,1 млн. сўмга тенг бўлган.

Жалб қилинган кредит ресурслари бўйича йиллик ўртача фоиз ставкаси 8,4% ни ташкил қилиб, банкнинг ссуда маржаси 2,6% га тенг бўлган.

Банк жами активларининг фойдалилик даражаси 2,5% ни, ссуда активларининг фойдалилик даражаси 3,5% ни, даромад келтирувчи активларнинг фойдалилик даражаси 3,2% ни ташкил қилган бу эса банк активлари ҳам миқдор ҳам сифат жаҳатдан нормал ҳолатга келтирилган.

Банк жамланма капиталининг рентабеллик даражаси 13,7% ни ва устав капиталининг рентабеллик даражаси 40,3 фоизни ташкил қилган.

Марказий банк томонидан банк омонатчилари ва кредиторларининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида тижорат банкларига қўйилга иқтисодий нормалар ҳам белгиланган даражада бўлиши таъминланди. Жумладан, миқдорлар олдидаги мажбуриятлар ўз вақтида тўлиқ бажара олишни таснифловчи кўрсаткич – ликвидлилик 86,3% (норма 30%) даражада бўлишига эришилди.

Капиталнинг етарлилик даражаси 17,2% (минимал 10%), 1 – даражали капиталнинг етарлилик даражаси 14,7 (минимал 5%) Леверез коэффициентини 12,7% (минимал 6%) ни ташкил қилган.

### 3 – БОБ. ОАТБ «АГРОБАНК» ДА БАНК КАРТАЛАРИ БИЛАН ОПЕРАЦИЯЛАР КЎЛАМИНИ КЕНГАЙТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.

#### 3.1. Банк карталари билан операцияларни келгуси ривожлантириш тенденциялари ва истиқболлари.

Банкнинг республика иқтисодиётини эркинлаштириш шароитидаги бош мақсади - бугунги кунда ушбу соҳада амалга оширилаётган жараёнларга тайёр туришдир.

Шу муносабат билан банк томонидан аниқ имкониятлар белгиланиб, ушбу жараёнда банкнинг роли ва вазифалари, хизмат кўрсатилаётган миқдорларнинг молиявий ресурсларга бўлган талаби ҳамда ушбу ресурслар манбалари режалаштирилади.

Жумладан, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қишлоқ хўжалик корхоналарига пахта ҳосилини етиштириш учун имтиёзли кредитлар ажратилиши сабабли банк активлари миқдори кескин ошади. Бу жараёни инобатга олган ҳолда банк капитали бўйича белгиланган меъёрларга риоя этиш, жумладан капиталнинг етарлилигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда банк ўз олдига ресурс базанинг барқарорлигини ошириш ва таваккалчиликка тортилган активларнинг

таъминланганлигини кучайтириш мақсадида банк капиталини таваккалчиликка тортилган активларга нисбатан мутаносиб равишда ошириб боришни таъминлаш вазифасини кўяди.

Халқаро банк фаолияти доирасида қуйидагилар амалга оширилади:

1) мавжуд халқаро пул ўтказмалари тизимлари ("Вестерн Юнион", "Травелекс") билан бир қаторда янги тизимларни ("Контакт", "Быстрая почта", "Близко" ва бошқалар) жорий этиш, Тошкент шаҳри ва вилоят бошқармалари қошида хизмат кўрсатиш шохобчалари сонини кўпайтириш;

2) мижозларга, шу жумладан, кичик бизнес субъектларига чет эл валютасида кредитлар ажратишни кенгайтириш. Шунингдек экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналарга уларнинг айланма маблағларини тўлдириш мақсадида хорижий валютада қисқа муддатли кредитлар бериш;

3) валюта айирбошлаш шохобчалари тизимини янада кенгайтириш, валюта айирбошлаш амалиётида янги банк хизмат турларини жорий этиш (эски банкноталарни комиссия учун қабул қилиш ва алмаштириш, йирик банкноталарни майдалаш ҳамда аксинча);

4) валюта операциялари таваккалчиликларини ҳисобга олиш ва уларни таснифлаш тизимини такомиллаштириш, чет эл ҳамкор банкларнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш, лимитлар ўрнатиш сиёсати;

5) мижозларнинг халқаро операциялари бўйича ташқи савдони молиялаштириш амалиётини янада кенгайтириш;

6) бўш валюта маблағларидан самарали фойдаланиш мақсадида халқаро ва маҳаллий пул бозорларида ишлаш учун дилинг Марказини ташкил этиш бўйича таҳлил ўтказиш ҳамда натижаси юзасидан таклиф киритиш;

7) "Euromoney" ва "The Banker" журналларининг "Йилнинг энг яхши банки" танлов дастурларида Пахта Банкнинг иштирокини таъминлаш.

Пахта Банкнинг халқаро молия институтлари ва ташкилотлари билан ҳамкорлигини янада ривожлантириш, жумладан:

а) КИКА ва АПРАКА билан ҳамкорлик асосида қишлоқ хўжалигини молиялаштиришда халқаро тажрибаларни ўрганиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш;

б) Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари Банклар Ассоциациясига аъзо бўлиш масаласини кўриб чиқиш;

в) иқтисодиётнинг реал секторини молиялаштириш учун янги кредит йўналишларини жалб қилиш;

г) ЕТТБ, ОТБ ва бошқа халқаро молия институтларининг янги кредит йўналишларида иштирок этиш масаласига алоҳида эътибор қаратиш;

д) "VIZA" халқаро пластик карта тўлов тизимига аъзо бўлишни ниҳоясига етказиш ва пластик карталар эмиссиясини йўлга қўйиш.

#### **IV БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МЕХНАТ ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАШ ВА БУ ЙЎНАЛИШДАГИ ИШЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.**

4.1. Тижорат банкларида меҳнат хавфсизлиги таъминлаш ва бу йўналишдаги ишларни такомиллаштириш масалалари

**Иш жойларига меҳнат шароитига талаблар.** Банк биноларини ёритиш икки турга бўлинади: табиий – қуёш нур асосидаги ва сунъий ёритилганлик. Касса, инкассация бўлмлари жойлашган биноларда иш жойининг ёритилганлиги 400 люксдан, ғазнахона (омборхона) поли юзаси 100 люксдан кам бўлмаган даражада ёритилиши зарур.

Банк биноларидаги иш жойларида йилнинг совуқ мавсумида ҳаво ҳарорати + 21 – 25 С даража, унинг ҳаракатланиш тезлиги 0,1 м/с ва нисбий намлик 60 – 40 % ни ташкил этиши зарур.

Банк биноларидаги иш жойларида йилнинг иссиқ мавсумида ҳаво ҳарорати + 22 – 26 С даража, унинг ҳаракатланиш тезлиги 0,1 – 0,2 м/с ва нисбий намлик 60 – 40 % ни ташкил этиши керак.

Банкларда товушнинг (шовқиннинг) рухсат этилган чегаравий даражалари қуйидагича (СанПиН 0058):

Математик дастурчилар ва видеодисплей терминали операторлари ишлайдиган жойларда – 50 дБА дан ошмаслиги керак;

Компютер қурилмалари таъмирлаш ишларини амалга оширувчи ҳамда лаборатория текширувидан ўтказувчи муҳандис – техник ва ишчилар ишлайдиган жойларда – 60 дБА;

Ҳисоблаш машиналарининг шовқинли агрегатлари жойлашган иш жойларида (принтер ва бошқалар) – 75 дБА.

Компютер ва нусха кўпайтириш техника воситаларида ишловчи ҳар бир ходим иш жойи майдони - 6 м<sup>2</sup>, ҳажми – 20 м<sup>3</sup> дан кам бўлмаслиги зарур. Бир неча компютер ва нусха кўпайтириш техника воситаларидан иборат иш жойларини ташкил қилишда қўшни иш жойларида ишловчилар меҳнатини муҳоваза қилиш учун мш столлари шундай жойлаштирилиши керакки, бир дисплейнинг орқа томони билан кейинги қатордагисининг экрани орасидаги масофа камида 2 метр, ёнма – ён турган иш жойлари дисплей корпуслари орасидаги масофа эса камида 1,2 метр бўлиши шарт (СанПиН 0100-00).

Компютер ва ташкилий техника жойлашган хоналар тебраниш таъсиридан ҳоли, тебраниш манбаи бўлган хоналар билан ёнма – ён бўлмаслиги лозим. Видеомонитор экрани ишловчининг кўзи учун энг зарарсиз масофада, яъни 500 мм дан яқин бўлмаслиги зарур (энг қулай

масофа 600 – 700 мм). Компютерлар хонада шундай жойлаштирилиши керакки, видеомониторларнинг орқа ва ён тарафларига ходимлари 500 мм яқин масофага келишига йўл қўйилмайди (СанПиН 0100-00).

**Санитария – маиший хизмат хоналарига талаблар.** Банк бўлинмалари биноларида турли хизмат кўрсатиш хоналари: ошхона, тиббий хизмат, хожатхона, аёллар шахсий гигиена хоналари ва бошқалари бўлиши керак.

200 нафардан ортиқ ходими бўлган банкларда одатда ошхона, 200 нафаргача ишловчилар бўлган банкларда эса, овқат тарқатадиган ошхона, ёки тамаддихона, ёки кафетерий бўлиши режалаштирилади. Ишловчилар сони 30 нафардан ошмаган банкларда овқатланиш хонаси бўлиши зарур. Овқатланиш хонаси қўл ювгич, стационар сув қайнатгич, электр плита, совутгич билан жиҳозланган бўлиши керак. Ходимлар сони 10 кишидан кам бўлган банк бўлинмаларида овқатланиш хонаси ўрнига кийимхона ёки ходимлар хонасида майдони 6 м<sup>2</sup> бўлган овқатланиш хонаси ташкил этилади.

Рўйхат бўйича ишловчилар сони 50 дан 300 нафаргача бўлган банк бўлинмаларида иссиқ сув ва совуқ сув, тегишли жиҳозлар билан таъминланган тиббий пунктлар ташкил қилиниши лозим.

Банк бўлинмаларида ишлайдиган ҳар 75 нафар аёл учун битта шахсий гигиена хонаси бўлиши зарур. Бундай хоналар хожатхона билан ёнма-ён, умумий тамбурли қилиб жойлаштирилади. Хоналарда ечиниш жойлари ва қўл ювгичлар бўлиши керак.

Кўп қаватли банк биноларида хожатхона ҳар қаватда бўлиши зарур. Ишловчилари 30 ва ундан кам бўлган икки қаватли бўлинмаларда бита хожатхона ажратилиб, у ишловчилари кўпроқ бўлган қаватда жойлаштирилади. Ишловчилар 15 нафардан ошмаса, умумий хожатхона режалаштирилади.

## Хулоса.

Истеъмол кредитнинг замонавий шаклларида бири, «Виса», «Мастер кард» компаниялар ва тижорат банклари томонидан муомилага чиқарилган пластик карточкалар бўйича кредитлаш ҳисобланади. Пластик карточкаларнинг эгалари боқичма – босқич ёки бир мартабалик тўланадиган кредитлар олиш имкониятини олишади. Улар пластик карточка ёрдамида товар ёки хизмат ҳақини тўлашлари ва банк олдидаги қарзни ойма – ой ёки бир мартабалик тўлов билан сўндиришлари мумкин. Кредитлар бўйича фоиз ставкаси одатда 12 – 18% даражасида ўрнатилади. Банklar шунингдек пластик карточкаларни қабул қилувчилардан ҳам даромад (пластик карточкалар бўйича сотиш ҳажмидан 1 – 4% миқдорда) олишлари мумкин. Сўнги йиллар давомида пластик карточкаларни муомилага чиқариш шунчалик тезлашиб кетдики, республика бўйича 2008 йил давомида тижорат банклари томонидан қўшимча равишда 787,8 минг дона пластик карточкалар муомалага чиқарилиб, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида қўшимча 9 минг 752 дона терминаллар ўрнатилди. Муомалага чиқарилган банк пластик карточкалари сони 4,5 млн. тага, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида ўрнатилган терминаллар сони эса 27 минг 504 тага етказилди.

Банк пластик карточкалари жуда қулай инструмент ҳисобланиб, миқдорга револвер кредит линияси (уни зарурат тўғилган пайтда ишлатиш мумкин) очиш имконини беради. Аммо пластик карточкалар билан операцияларнинг самарадорлигига «масштаб эффекти» ўз таъсирини кескин тарзда ўтказиши ҳисобга олиш зарур. Одатда фақат йирик ва кенг филиалли банklarнинг пластик карточкаларига талаб даражасидаги даромадни келтиради. Шунга қарамадан, банк технологияларнинг ривожланиб бориши ҳисобига пластик карточкалар кенг ривожланиш перспективасига эга ва уларнинг эгаларига молиявий хизматларнинг барча турларидан фойдаланиш имкониятини очиб беради.

Пластик карточкаларга берилаётган эътибор натижасида, карточкалар бозоридаги рақобат кураши кескин ошиб кетди. Рақобатнинг кучайиши пластик карточкалари эгаларига, кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг пасайиши, олинадиган комиссияларнинг камайиши ва бошқа кўринишда қўшимча имтиёзлар олиш имкониятини яратиб бермоқда.

